Лойиҳа

# Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

## Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 сентябрдаги 537-сон қарори билан тасдиқланган “Фойдаланишга топшириладиган ҳаракатдаги темир йўл таркиби хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламент”га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 28 февралдаги ПҚ-91-сон қарорига мувофиқ фойдаланишга топшириладиган ҳаракатдаги темир йўл таркиби хавфсизлигига қўйиладиган ягона талабларга қатъий риоя этилишини таъминлаш ҳамда мувофиқликни баҳолаш, сертификатлаштиришни янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 сентябрдаги 537-сон қарори билан тасдиқланган Фойдаланишга топшириладиган ҳаракатдаги темир йўл таркиби хавфсизлиги тўғрисида техник регламентга иловага мувофиқ ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги директори А.Р. Жуманазаров зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил “_ ”____даги ___-сон қарорига
илова

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 сентябрдаги 537-сон қарори билан тасдиқланган “Фойдаланишга топшириладиган ҳаракатдаги темир йўл таркиби хавфсизлиги тўғрисида техник регламент”га киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар**

**1.** Қарорнинг 1-иловасида:

а) 3-банди иккинчи хатбошидаги, 111, 127-бандидаги “илова” сўзи “1-илова” сўзига алмаштирилсин;

б) 102-банди тўртинчи хатбоши, 106-банди, 118-банди, 119-бандининг биринчи хатбоши ва унинг “а” ва “б” кичик бандларидаги, 123-бандидаги “текшириш” сўзи “баҳолаш” сўзи билан алмаштирилсин;

в) 119-банди қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Темир йўл маҳсулотини сертификатлаш схемалари рўйхати 2-иловада келтирилган”;

г) 122-банди қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Мувофиқлик декларацияси схемалари рўйхати 3-иловада келтирилган”;

д) иловадаги илова белгисидаги “илова” сўзи “1-илова” сўзига алмаштирилсин;

е) қуйидаги таҳрирдаги 2- ва 3-иловалар билан тўлдирилсин:

“

Фойдаланишга топшириладиган
ҳаракатдаги темир йўл таркиби хавфсизлиги
тўғрисидаги техник регламентга
2-илова

**Темир йўл маҳсулотларини сертификатлаш схемалари рўйхати**

| Схема белгиси | Схеманинг мазмуни | Ижрочилар | Қўлланиш доираси |
|---|---|---|---|
| 1с | Маҳсулот намунасини синаш, таҳлил қилиш ва ўлчаш ишларини амалга ошириш | Аккредитация қилинган синаш лабораторияси (маркази) | Маҳсулот миқдори чекланган ҳолда, яъни қисқа муддат ичида серияли ишлаб |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | (кейинги ўринларда-синовлар). | | чиқариш жараёнида алоҳида партиялар ҳолида етказиб бериладиган (сотиладиган) маҳсулот ҳажми олдиндан белгиланганда қўлланилади. (импорт маҳсулотлари учун – қисқа муддатли шартномалар бўйича, маҳаллий маҳсулотлар учун – ишлаб чиқариш ҳажми чекланган ҳолда). Сертификатни амал қилиш муддати 1 йил |
| | Синов натижалари ижобий бўлган тақдирда, маҳсулот ишлаб чиқариш муддати чекланган ҳолда олдиндан белгиланган партия учун мувофиқлик сертификатини аризачига бериш. | Сертификатлаштириш органи | |
| 2с | Маҳсулот намунасини синовлардан ўтказиш. | Аккредитация қилинган синаш лабораторияси (маркази) | Серияли ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун аккредитация қилинган синаш лабораторияси (маркази)да маҳсулот намунасини синаш ва ишлаб чиқариш ҳолатини баҳолаш натижалари асосида мувофиқлик сертификати берилади. Сертификат бир йил муддатга берилади. |
| | Ишлаб чиқариш ҳолатини баҳолаш. | Сертификатлаштириш органи | |
| | Синов ва ишлаб чиқариш ҳолати баҳолаш натижалари ижобий бўлган тақдирда, барча серияли ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун мувофиқлик сертификатини аризачига бериш. | Сертификатлаштириш органи | |
| 3с | Маҳсулот намунасини синовлардан ўтказиш. | Аккредитация қилинган синаш лабораторияси (маркази) | Серияли ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун қўлланилади. Мувофиқлик |
| | Синов натижалари ижобий | Сертификатлаштириш органи | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | бўлганда, барча серияли ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун мувофиқлик сертификатини аризачига бериш. | | сертификати уч йилдан ошмаган муддатга берилади. |
| | Аккредитация қилинган синаш лабораторияси (маркази)да маҳсулот намуналарини синовдан ўтказиш орқали йилда бир мартадан ортиқ бўлмаган давлат назоратни амалга ошириш. | Сертификатлаштириш органи | |
| | Давлат назорати натижаси салбий бўлганда, мувофиқлик сертификатининг амал қилишини тўхтатиш ёки бекор қилиш. | Сертификатлаштириш органи | |
| 4с | Маҳсулот намунасини синовлардан ўтказиш. | Аккредитация қилинган синаш лабораторияси (маркази) | Серияли ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун қўлланилади. Мувофиқлик сертификати беш йилдан ошмаган муддатга берилади. |
| | Ишлаб чиқариш ҳолатини баҳолаш. | Сертификатлаштириш органи | |
| | Ишлаб чиқариш ҳолати ва маҳсулотни синаш натижалари ижобий баҳоланганда, аризачига мувофиқлик сертификатини бериш. | Сертификатлаштириш органи | |
| | Маҳсулот намуналарини аккредитация | Сертификатлаштириш органи | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | қилинган синаш лабораториясида (марказда) синовдан ўтказиш йўли билан йилига бир мартадан ортиқ бўлмаган давлат назоратини ўтказиш, давлат назоратининг салбий натижаси бўлган тақдирда мувофиқлик сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш. | | |
| 5с | Маҳсулот намунасини синовлардан ўтказиш. | Аккредитация қилинган синаш лабораторияси (маркази) | Серияли ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун қуйидаги ҳолатларда қўлланилади:<br>Синов учун танлаб олинган намуналарнинг ҳақиқий ҳажми ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳақида объектив хулоса чиқариш учун етарли бўлмаганда. |
| | Сифат тизими ёки маҳсулот ишлаб чиқаришни сертификатлашни амалга ошириш. | Сертификатлаштириш органи | |
| | Синов натижалари ижобий бўлса ва сифат тизими ёки маҳсулот ишлаб чиқаришни сертификатланган бўлса, аризачига мувофиқлик сертификатини бериш. | Сертификатлаштириш органи | Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари ташқи омилларга сезувчан бўлганда;<br>Маҳсулот хусусиятларининг барқарорлигига нисбатан юқори талаблар қўйилиб, |
| | Аккредитация қилинган синаш лабораторияси | Сертификатлаштириш органи | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | (маркази)да маҳсулот намуналарини синовдан ўтказиш орқали йилда бир мартадан ортиқ бўлмаган давлат назоратни амалга ошириш. | | маҳсулот модификациялари тез-тез ўзгариб турганда; маҳсулот ўрнатилгандан сўнг амалга оширилиши мумкин. Мувофиқлик сертификати беш йилдан ошмаган муддатга берилади. |
| | Давлат назорати натижаси салбий бўлганда, мувофиқлик сертификатининг амал қилишини тўхтатиш ёки бекор қилиш. | Сертификатлаштириш органи | |
| 6с* | Сертификатлаштириш учун тақдим этилган маҳсулотлар партиясидан танланган маҳсулотларнинг намунасини (намуналар) синашдан ўтказиш. | Аккредитация қилинган синаш лабораторияси (маркази) | Маҳсулот партияси учун қўлланилади. Мувофиқлик сертификати тақдим этилган маҳсулот партиясига нисбатан татбиқ этилади. |
| | Синаш натижалари ижобий бўлганда, сертификатлаштиришга тақдим этилган маҳсулот партияси учун аризачига мувофиқлик сертификатини бериш. | Сертификатлаштириш органи | |
| 7с* | Ҳар бир маҳсулот бирлигини синашдан ўтказиш | Аккредитация қилинган синаш лабораторияси (маркази) | Бир марталик ишлаб чиқариш ёки тегишли маҳсулотларни (донали буюмлар) реализациясида қўллаш тавсия этилади. Мувофиқлик сертификати тақдим |
| | Синаш натижаси ижобий бўлганда аризачига маҳсулот бирлигига мувофиқлик | Сертификатлаштириш органи | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | сертификатини бериш | | қилинган маҳсулот миқдорига нисбатан татбиқ этилади. |

Фойдаланишга топшириладиган ҳаракатдаги темир йўл таркиби хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламентга
3-илова

## Маҳсулотнинг мувофиқлигини декларациялаш схемалари рўйхати

| Схема белгиси | Схеманинг мазмуни | Ижрочилар | Қўлланиш доираси |
|---|---|---|---|
| 1д | Ўз далиллари асосида мувофиқлик декларациясини қабул қилиш. | Аризачи | Мувофиқлиги тасдиқланиши мувофиқлик декларациясини қабул қилиш шаклида амалга ошириладиган маҳсулотлар рўйхатига мувофиқ ўз далиллари асосида серияли ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун қўлланилади. |
| 2д | Маҳсулот намунасини синаш, таҳлил қилиш ва ўлчаш ишларини амалга ошириш (кейинги ўринларда-синовлар). | Аккредитация қилинган синаш лабораторияси (маркази) | Сертификатлаштириш органи ва (ёки) аккредитация қилинган синаш лабораторияси (маркази) иштирокида ўз далиллари ва мувофиқлик декларациясини қабул қилиш шаклида мувофиқлиги тасдиқланадиган маҳсулотлар рўйхатига мувофиқ олинган далиллар асосида серияли ишлаб чиқарилган |
| | Аккредитация қилинган синов лабораторияси (маркази)даги синаш натижалари ижобий бўлганда, мувофиқлик декларациясини қабул қилиш. | Аризачи | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | маҳсулотлар учун қўлланилади. |
| 3д | Маҳсулот намунасини синовлардан ўтказиш.<br><br>Сифат тизимини сертификатлашни амалга ошириш.<br>Аккредитация қилинган синаш лабораторияси (маркази)да синаш натижалари ижобий бўлганда ва сертификатлаштириш органи томонидан сифат тизими сертификатланса, аризачининг мувофиқлик декларациясини қабул қилиш. | Аккредитация қилинган синаш лабораторияси (маркази)<br>Сертификатлаштириш органи<br><br>Аризачи | Сертификатлаштириш органи ва (ёки) аккредитация қилинган синаш лабораторияси (маркази) иштирокида ўз далиллари ва мувофиқлик декларациясини қабул қилиш шаклида мувофиқлиги тасдиқланадиган маҳсулотлар рўйхатига мувофиқ олинган далиллар асосида серияли ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун қўлланилади. |
| 4д | Маҳсулот намунасини синовлардан ўтказиш.<br>Сифат тизимини сертификатлашни амалга ошириш. | Аккредитация қилинган синаш лабораторияси (маркази) | Сертификатлаштириш органи ва (ёки) аккредитация қилинган синаш лабораторияси (маркази) иштирокида ўз далиллари ва мувофиқлик декларациясини қабул қилиш шаклида мувофиқлиги тасдиқланадиган маҳсулотлар рўйхатига мувофиқ олинган далиллар асосида серияли ишлаб чиқарилган |
| | Аккредитация қилинган синаш лабораторияси (маркази)да синаш натижалари ижобий бўлганда ва сертификатлаштириш органи томонидан сифат тизимини сертификатлашда мувофиқлик | Аризачи | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | декларациясини қабул қилиш. | | маҳсулотлар учун қўлланилади. |
| | Маҳсулот намуналарини аккредитация қилинган синаш лабораториясида (марказда) синашдан ўтказиш йўли билан давлат назоратини йилига бир мартадан ортиқ бўлмаган ҳолда амалга ошириш. | Сертификатлаштириш органи | |
| | Давлат назоратининг натижаси салбий бўлганда мувофиқлик декларациясини тўхтатиб туриш ёки тугатиш. | Сертификатлаштириш органи | |
| 5д | Мувофиқлик декларацияси учун тақдим этилган маҳсулот партиясидан танлаб олинган маҳсулот намунаси (намуналари)ни мувофиқлигини тасдиқлаш учун синашдан ўтказиш.<br>Аккредитация қилинган синаш лабораториясида (марказида) синаш натижаси ижобий бўлганда мувофиқлик декларациясини қабул қилиш. | Аккредитация қилинган синаш лабораторияси (маркази)<br>Аризачи | Маҳсулот микдори чекланган ҳолда, яъни қисқа муддат ичида серияли ишлаб чиқариш жараёнида алоҳида партияларда етказиб бериладиган (сотиладиган) маҳсулот ҳажми олдиндан белгиланганда қўлланилади.<br>(импорт маҳсулотлари учун – қисқа муддатли шартномалар бўйича, маҳаллий маҳсулотлар учун – ишлаб чиқариш ҳажми чекланган ҳолда). |

”